

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари
депутатлари сайловида овоз беришни ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига (бундан буён матнда Сайлов кодекси деб юритилади) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари (бундан буён матнда маҳаллий Кенгашлар деб юритилади) депутатлари сайловларида сайлов комиссиялари томонидан овоз бериш биносини жиҳозлаш, сайловчиларнинг рўйхатларини шакллантириш, сайлов бюллетенлари билан таъминлаш, овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда сайлов натижаларини аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш қўйидаги сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади);

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссиялари (бундан буён матнда ҳудудий сайлов комиссияси деб юритилади);

туман, шаҳар сайлов комиссиялари;

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари (бундан буён матнда округ сайлов комиссияси деб юритилади);

участка сайлов комиссиялари.

3. Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

4. Сайлов комиссиялари номзодларга, сиёсий партияларга сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитларни, овоз беришнинг ва сайлов якунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради.

5. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ушбу Низомда назарда тутилган Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳудудий сайлов комиссиясининг ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси амалга оширади.

2-боб. Сайловга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар.

Овоз бериш биноси ва хонасини жиҳозлашга қўйиладиган талаблар

6. Сайловга тайёргарлик кўриш қонун ҳужжатларига мувофиқ сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

7. Сайлов участкаларида овоз беришни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туриши шарт.

Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш бинолари ҳамда хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн бир кун олдин тақдим этилиши керак.

8. Сайлов комиссиялари овоз беришни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун овоз бериш биноларининг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов қутилари, шунингдек бошқа жиҳозлар билан мазкур Низомнинг 1 – 3-иловаларига мувофиқ тайёрлаб қўйилишини таъминлайди.

9. Овоз бериш бинолари махсус ажратилган жойлар бўлиб, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенларини бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар уларнинг ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб ўрнатилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбирлар ўтказилишига рухсат этилмайди. Биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссиясининг зиммасида бўлади.

10. Участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар ҳамда овоз бериш хоналари тегишли тарзда жиҳозланиши ва қуйидагиларга эга бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг устида ва ичида);

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичида);

сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа (4-илова);

ёруғ ва кенг овоз бериш хонаси;

кулфланадиган сейф ёки металл шкаф;

ёзув анжомлари билан таъминланган ва ёруғ (зарурат бўлганда чирок ўрнатилади) яширин овоз бериш кабиналари (1000 нафаргача сайловчи учун камида 2 та, 2000 нафаргача сайловчи учун камида 3 та, 3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та);

зарурат бўлса, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабиналари;

стационар сайлов қутиси;

кўчма сайлов қутиси;

бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар (бундан буён матнда пломбалар деб юритилади) жами 9 дона (шундан, 4 таси стационар сайлов қутиси учун, 2 таси кўчма сайлов қутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун);

участка сайлов комиссиясининг муҳри;

зарур мебеллар, оргтехника воситалари (компьютер, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS), телефон, телевизор;

иккитадан кам бўлмаган Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (бундан буён матнда СЖБАТ деб юритилади) талабларига жавоб берувчи компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда узлуксиз интернет алоқаси;

сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар (бундан буён матнда кузатувчилар деб юритилади) учун алоҳида жойлар;

ёнғинга қарши воситалар.

Участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши керак.

11. Овоз бериш хоналарида сайлов бюллетенларини бериш жойлари, яширин овоз бериш кабиналари, сайлов қутилари бир вақтнинг ўзида сайлов комиссияси аъзолари ҳамда кузатувчиларга кўриниб туриши лозим.

Участка сайлов комиссиясининг сайлов бюллетенларини беришга масъул аъзолари орқасидаги деворларда ёки столларида алифбо тартибида ёхуд сайловчиларнинг сайловчилар рўйхатидаги тартиб рақами кўрсатилган белгилар ўрнатилган бўлиши керак. (Масалан: А-Г, Д-З ёки 1-500, 501-1000 ва бошқалар).

3-боб. Фуқароларнинг хабардорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар

12. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар тўғрисидаги, шунингдек овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилади.

13. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган стендларда қуйидагилар бўлиши керак:

сайлов санасига бағишланган плакат;

сайлов участкасининг харитаси;

участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш ва навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот (5-илова);

бир мандатли сайлов округлари бўйича рўйхатга олинган барча номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан чоп этилган таржимаи ҳоли ва дастурларининг асосий йўналишлари (6-илова);

сайловда иштирок этаётган сиёсий партиянинг Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган дастури, Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати (бундан буён матнда партия рўйхати деб юритилади);

участка сайлов комиссиясида сайловчилар мурожаати учун Марказий сайлов комиссиясининг ишонч телефони ёки электрон манзили, ҳудудий, туман, шаҳар, округ сайлов комиссияси, тегишли туман ёки шаҳар судлари, ички ишлар бўлими ва прокуратурасининг ишонч телефон рақамлари акс эттирилган маълумотлар;

овоз бериш тартиби;

сайловчилар рўйхати;

сайловга оид инфографик кўринишдаги тушунтириш материаллари.

14. Стендларда жойлаштириладиган материалларда сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлмаслиги керак.

15. Номзодларнинг чоп этилган ахборот материаллари уларнинг фамилияси бўйича алифбо тартибда, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг ахборот материаллари эса ушбу партияларнинг сайловда иштирок этиши учун ижозат берилган навбатига мувофиқ кетма-кетликда жойлаштирилади.

16. Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларда сайлов участкасининг мазкур Низомнинг 7-илоvasида белгиланган шаклдаги кўрсаткичлари кўринарли жойларга жойлаштирилиши керак.

17. Овоз бериш биносида ёки яширин овоз бериш кабиналарида сайлов бюллетенининг намунаси ва уни тўлдириш тартибига оид маълумотлар жойлаштирилиши мумкин.

Ушбу маълумотларда рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг фамилиялари ёки сиёсий партияларнинг номлари кўрсатилмаслиги керак.

Номзод сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган тақдирда сайлов комиссияси томонидан ушбу номзоднинг чоп этилган таржимаи ҳоли ва дастури кўрсатилган ахборот материаллари бинода жойлаштирилган жойлардан олиб қўйилади ёки усти оқ қоғоз билан елимлаб ёпилади.

18. Стендларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодексидан кўчирмалар, шунингдек, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгилувчи қоидалардан кўчирмалар бўлиши мумкин.

19. Овоз бериш биносида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар эркин ва қулай танишишлари мумкин бўлган тарзда жойлаштирилади.

4-боб. Жисмоний имконияти чекланган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратиш

20. Овоз бериш бинolari жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг киришига қулай, шу жумладан овоз бериш хонаси бинонинг биринчи қаватида бўлиши, автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойларида ногиронлиги бўлган шахсларга алоҳида жой ажратилиши лозим.

21. Участка сайлов комиссияси биносига кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши ва улар белгиланган талабларга мос келиши керак.

Бинога киришда нишаб йўлакларини ўрнатиш имкони бўлмаса, кириш жойида “ёрдамга чақириш” тугмаси ўрнатилиши лозим.

22. Овоз бериш хоналаридаги жиҳозлар (столлар, яширин овоз бериш кабиналари ва сайлов қутилари), шунингдек ахборот плакатлари фойдаланиш имконияти ва овоз беришнинг яширинлигини таъминлаш заруриятини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак.

Шунингдек, сайловчилар рўйхатида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи сайловчилар мавжуд бўлган сайлов участкалари оптик лупалар (катталаштирувчи ойналар), қўшимча ёриткичлар, стул ҳамда Брайл алифбоси асосида тайёрланган трафаретлар билан жиҳозланиши мумкин.

Кўришда нуқсони бўлган сайловчилар учун ахборот стендларида катта ҳажмдаги шрифтларда ва (ёки) Брайл алифбосидаги материаллар жойлаштирилиши мумкин.

23. Овоз бериш биноларида ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг кириши учун шароитлар яратилмаган, шунингдек махсус жиҳозлар билан жиҳозланмаган бўлса, тегишли сайлов комиссияси сайлов кунига ўн беш кундан кечиктирмай тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш тўғрисида муурожаат юборади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари сайлов комиссияларидан муурожаат тушган тақдирда, кўпи билан уч кунлик муддатда уни кўриб чиқиши ва дарҳол тегишли чораларни кўришлари шарт. Сайлов комиссиясининг муурожаатини кўриб чиқишни рад этиш ва (ёки) муддатини бузиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

5-боб. Сайловчиларнинг рўйхати

24. Сайловчилар рўйхатлари СЖБАТда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (бундан буён матнда СЯЭР деб юритилади) асосида сайлов участкалари кесимида автоматик тарзда тақсимланади.

Ҳар бир сайловчи сайловчиларнинг фақат битта рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили киритилади.

Қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

25. Участка сайлов комиссияси котиби СЖБАТга кириш ҳуқуқини олиш учун туман, шаҳар сайлов комиссиясига мурожаат қилади. Туман, шаҳар сайлов комиссияси котиби СЖБАТга кириш ҳуқуқини участка сайлов комиссияси котибига тақдим этади.

Участка сайлов комиссияси тузилганидан сўнг, уч кун ичида комиссиянинг котиби СЖБАТга кириб тақсимланган мазкур участка сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини юклаб олади.

Участка сайлов комиссияси котиби сайловчилар рўйхатини текшириб чиқади, чоп этади ва комиссия раисига тақдим қилади.

Участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзоларига сайловчилар рўйхатини унга киритилган сайловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаштириш учун тақсимлайди.

26. Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, участка ҳудудини уйма-уй айланиб чиқиш орқали ушбу маълумотларнинг тўғрилигига аниқлик киритади.

Ҳокимликлар, тегишли идоралар, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади, шунингдек, участка сайлов комиссияси сўровига асосан мазкур сайлов участкаси ҳудудида истиқомат қилаётган сайловчилар ҳақидаги маълумотларни 24 соат ичида тақдим этишлари шарт.

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини аниқлаштиришда иштирок этиш учун жамоатчилик вакиллари ва волонтерларни жалб қилиши мумкин. Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.

Участка сайлов комиссияси аъзолари ва уларга кўмаклашувчилар уйма-уй айланиб чиқиш вақтида сайловчиларнинг сайлов куни ушбу сайлов участкаси ҳудудида бўлиш-бўлмаслигига, сайловчиларнинг рўйхатидаги ушбу сайловчиларга оид маълумотларда хато-камчиликлар бор-йўқлигига аниқлик киритади.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар борлиги аниқланса, бироқ улар ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилмаган бўлса ҳамда ўзаро суҳбат чоғида уларнинг сайлов куни ушбу сайлов участкаси ҳудудида бўлиши аниқланса, мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ ушбу сайловчиларнинг алоҳида рўйхатлари тузилади.

Сайловчи сайловчилар рўйхати билан танишиш жараёнида ўзи ҳақидаги маълумотлар хато киритилган ёки ўзи истиқомат қилаётган ҳудуддан бошқа ҳудудда жойлашган сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлигини аниқлаган тақдирда, бевосита ўзи истиқомат қилиб турган ҳудуддаги сайлов участкасига бориб ҳам мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси ушбу сайловчини юқорида қайд этилган алоҳида рўйхатга киритади.

Шундан сўнг, алоҳида рўйхати шакллантирилган сайловчилар ҳақидаги маълумотлар асосида СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва сайловчилар рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман, шаҳар ишчи гуруҳига (бундан буён матнда ишчи гуруҳи деб юритилади) автоматик тарзда юборилади.

Ишчи гуруҳ электрон сўровномани кўриб чиқади ва СЖБАТдаги сайловчилар рўйхатига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартириш киритади.

Электрон сўровномага биноан сайлов участкаси ўзгартирилган ёки ўзи мурожаат қилмаган сайловчини бошқа сайлов участкасига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Электрон сўровнома рад этилган ҳолларда участка сайлов комиссияси сайловчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

27. Сайловчининг ўз хоҳишига кўра қилган мурожаатига мувофиқ куйидагилар сайловчилар рўйхатига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш учун асос бўлиши мумкин:

сайловчининг тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши;

ёши ўн саккизга тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

фуқаро фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлиги;

сайловчилар рўйхатида мавжуд бўлган бошқа ноаниқликлар ёки хатолар;

суднинг фуқарони сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарори бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

28. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.

Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида участка сайлов комиссияси томонидан тузилади. Бунда, ушбу рўйхатга киритилган сайловчи сайлов кунда рўйхатга киритилган сайлов участкаси жойлашган муассасада бўлиши аниқланса, мазкур участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишли ишчи гуруҳга, агарда сайловга беш кундан кам вақт қолган бўлса, ушбу муассасадаги рўйхатга киритилган сайловчилар доимий ёки вақтинча яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясига ахборот етказиш чораларини кўриши лозим.

Хабардор қилинган ишчи гуруҳи сайловчилар рўйхатига тегишли ўзгартириш киритиш чораларини кўради. Агарда сайловга беш кундан кам вақт қолган бўлса, участка сайлов комиссияси ўз сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига ушбу сайловчи бошқа сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилганлиги ҳақида ёзув киритади ҳамда уни якуний баённомада сайлов участкасидаги сайловчиларнинг умумий сонига киритмайди.

29. Сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда сайловчиларга муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш имконияти ва бошқа ҳуқуқлар тушунтирилади.

30. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида участка сайлов комиссияси котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, чоп қилинади, участка сайлов комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади, участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланади. Шундан кейин участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати ҳамма танишиб чиқиши учун қулай бўлган ҳолда мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади. Ушбу рўйхатда сайловчиларнинг фақат фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили кўрсатилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилганидан кейин ҳам аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш мақсадида сайловга беш кун қолгунига қадар сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартириш киритиш учун ишчи гуруҳларга электрон сўровнома юбориши мумкин.

Ишчи гуруҳлар электрон сўровномани шу куннинг ўзида кўриб чиқиб, белгиланган тартибда ҳал этади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда сайловчиларнинг якуний рўйхати сайловга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Ушбу рўйхатда сайловчиларнинг фақат фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили кўрсатилади.

31. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

32. Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилади.

Участка сайлов комиссияси котиби сайловга уч кун қолганида ўз ҳудудидаги сайловчиларнинг охирги рўйхатини СЖБАТдан юклаб олади, чоп этади ва участка сайлов комиссияси раисига тақдим қилади. Ушбу рўйхат участка сайлов комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади, участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланади ҳамда сайлов куни ушбу рўйхатдан фойдаланилади.

Бунда сайловчилар рўйхатида сайловчиларнинг фамилиялари овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

33. Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига шикоят қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида мурожаатни текшириши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

6-боб. Сайлов бюллетени

34. Туман, шаҳар сайлов комиссияси сайловга қирқ кун қолгунига қадар мутасадди давлат органларидан тегишли туман (шаҳар) ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилиги сўзлашадиган тиллар тўғрисидаги маълумотларни сўраб олади.

Мутасадди давлат органлари уч иш кунида сўралган маълумотларни туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этади.

Туман, шаҳар сайлов комиссияси мутасадди давлат органлари тақдим этган аҳолининг кўпчилиги сўзлашадиган тиллар тўғрисидаги маълумотларни: умумлаштириш учун ҳудудий сайлов комиссиясига тақдим этади;

тегишли туман, шаҳар бўйича таҳлил қилиш орқали тегишли ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенларини тайёрлашга эҳтиёжни аниқлайди.

35. Худудий сайлов комиссияси туман, шаҳар сайлов комиссияси тақдим этган аҳолининг кўпчилиги сўзлашадиган тиллар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали тегишли ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда сайлов бюллетенларини тайёрлашга эҳтиёжни аниқлайди ҳамда сайловга ўттиз беш кун қолгунига қадар давлат тилида ва бошқа тилларда чоп этиш зарур бўладиган сайлов бюллетенларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

Ушбу маълумотлардан тегишли маҳаллий Кенгашлар сайловига доир сайлов бюллетенларини чоп этишда ҳам фойдаланилиши мумкин.

36. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган намунага мувофиқ худудий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган намунага мувофиқ тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

37. Сайлов бюллетенлари давлат тилида чоп этилади. Шунингдек тегишли худудий, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда ҳам чоп этилиши мумкин.

Бунда худудий, туман, шаҳар сайлов комиссиялари сайлов участкалари чегараларида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда сайлов бюллетенларини тегишли тиллар бўйича участкаларга тақсимлайди.

38. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида чоп этилади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенлари кўйидаги тартибда етказиб берилади:

а) Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва худудий сайлов комиссияларига Давлат фельдъегерлик хизмати орқали етказиб берилади. Бир мандатли ва ягона сайлов округи бўйича сайлов бюллетенларини

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссияларига етказилганлиги ҳақидаги юкхати алоҳида-алоҳида расмийлаштирилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ҳудуди бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар умумий сонининг:

10 фоизи миқдоридаги сайлов бюллетенлари муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида беш кун қолганида;

90,5 фоизи сайловга камида беш кун қолганида етказиб берилади;

б) Марказий сайлов комиссияси томонидан етказиб берилган сайлов бюллетенларини Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан туман, шаҳар сайлов комиссияларига етказиб берилади.

Бу ҳақда мазкур Низомнинг 10а ва 10б-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади. Бир мандатли ва ягона сайлов округлари бўйича сайлов бюллетенлари алоҳида-алоҳида расмийлаштирилади.

Бунда тегишли туман, шаҳар бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар умумий сонининг:

10 фоизи миқдоридаги сайлов бюллетенлари муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида тўрт кун қолганида;

90,5 фоизи сайловга камида тўрт кун қолганида етказиб берилади;

в) Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини туман, шаҳар сайлов комиссияларидан олади. Бу ҳақда мазкур Низомнинг 11а ва 11б-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади.

Бунда тегишли сайлов участкаси бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар умумий сонининг:

10 фоизи миқдоридаги сайлов бюллетенлари муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида уч кун қолганида;

90,5 фоизи сайловга камида уч кун қолганида берилади.

39. Ҳудудий сайлов комиссиясининг қарорига биноан халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида чоп этилади.

Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенлари қуйидаги тартибда етказиб берилади:

а) ҳудудий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссияси билан ҳамкорликда туман, шаҳар сайлов комиссияларига етказиб берилади. Бу ҳақда мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади.

Бунда тегишли туман, шаҳар ҳудуди бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар умумий сонининг:

10 фоизи миқдоридаги сайлов бюллетенлари муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида тўрт кун қолганида;

90,5 фоизи сайловга камида тўрт кун қолганида етказиб берилади;

б) Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини туман, шаҳар сайлов комиссияларидан олади. Бу ҳақда мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади.

Бунда тегишли сайлов участкаси бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар умумий сонининг:

10 фоизи миқдоридаги сайлов бюллетенлари муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида уч кун қолганида;

90,5 фоизи сайловга камида уч кун қолганида берилади.

40. Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида чоп этилади.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини туман, шаҳар сайлов комиссияларидан олади. Бу ҳақда мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади.

Бунда тегишли сайлов участкаси бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар умумий сонининг:

10 фоизи миқдоридаги сайлов бюллетенлари муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида уч кун қолганида;

90,5 фоизи сайловга камида уч кун қолганида берилади.

41. Сайлов бюллетенларини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланиши мумкин.

42. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича рўйхатларга киритилган сайловчилар сонига нисбатан ярим фоиздан ортиқроқ бўлиши мумкин эмас.

43. Сайлов бюллетени ўнг томонининг юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

Номзод сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган тақдирда чоп этилган сайлов бюллетенларидан ушбу номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилган сатр ўчирилади.

Мазкур ҳаракат тегишли сайлов комиссиясининг қарорига асосан сайлов кунига қадар ёки овоз бериш бошлангунига қадар амалга оширилади.

7-боб. Муддатидан олдин овоз бериш

44. Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

45. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади.

46. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

47. Участка сайлов комиссиялари сайлов участкасидаги сайловчилар умумий сонининг ўн фоизи миқдорида сайлов бюллетенларини ҳамда конвертларни туман, шаҳар сайлов комиссиясидан муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида уч кун қолганида оладилар.

48. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи тегишли участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайлов кунига бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини ва конвертни олади.

Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунига бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланади.

49. Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шаклдаги сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди.

Участка сайлов комиссияси аъзоси муддатидан олдин овоз берган сайловчини СЖБАТдаги сайловчилар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган сайловчи сифатида белгилаши шарт.

50. Сайлов бюллетени махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан мустақил қарор қабул қилиши орқали ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси, сиёсий партиянинг номи рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга “+” ёки “✓” ёхуд “х” белгисини қўйиб тўлдирилади.

Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини конвертга солади ва елимлаб ёпади.

51. Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзосига топширади.

Участка сайлов комиссиясининг икки нафар аъзоси сайловчи ҳозирлигида конвертнинг ёпиқлигини текширади ва конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари кўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади.

Конверт сайлов куни овоз бериш тугагунига қадар участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади.

8-боб. Участка сайлов комиссиясининг сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдинги ҳаракатлари. Овоз бериш тартиби

52. Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов куни овоз бериш биносига соат 7:00 дан бошлаб соат 7:30 гача келишлари лозим.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда очилади.

Бунда, сайловчилар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлишлари мумкин.

53. Участка сайлов комиссияси соат 7:30 дан – 8:00 га қадар қуйидагиларни амалга оширади:

участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан комиссия аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифалари 16а ва 16б-иловадаги вазифалар тақсимотига мувофиқ белгиланади;

участка сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг аъзолари билан биргаликда сайлов қутилариининг бўшлигини текширади ва уларни пломбалар билан пломбалайди, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда мазкур Низомнинг 17-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилади;

комиссиянинг икки аъзоси томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган ҳолда тайёрлаб кўйилган сайлов бюллетенлари мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатнома асосида участка сайлов комиссиясининг раиси томонидан сайлов бюллетенларини сайловчиларга беришга масъул этиб белгиланган комиссия аъзоларига топширилади. Сайловчиларга тартибли равишда бюллетенларни бериш мақсадида, масъул участка сайлов комиссияси аъзоларига сайловчилар рўйхати алифбо кетма-кетлигида тақсимлаб берилади.

54. Сайлов куни сайлов участкасида соат 8:00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Шундан кейин участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганлигини эълон қилади.

55. Участка сайлов комиссияси раиси томонидан сайлов участкасидаги сайловчилар сони, туман, шаҳар сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетенларнинг сони, шунингдек, муддатидан олдин овоз берганлар сони маълум қилинади. Ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади.

56. Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари кузатувчиларни, оммавий ахборот воситалари вакиллари тегшли сайлов комиссияси томонидан берилган мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида рўйхатга олади. Шундан сўнг, овоз бериш хонасининг улар учун ажратилган жойида ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўсқинликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради.

57. Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан овоз бериш бошланганлиги ҳақида алоқа воситалари орқали туман, шаҳар сайлов комиссиясига хабар берилади.

58. Участка сайлов комиссияси томонидан сайловчиларга тақдим этилган сайлов бюллетенлари сонининг ҳисоби ҳар соатда юритиб борилади. Сайлов бюллетенлари сонининг ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар тегшли сайлов комиссияларига бериб турилади.

59. Участка сайлов комиссияси раиси овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириб боради ҳамда назорат қилади, зарурат бўлганда комиссия аъзоларига ёрдам кўрсатади, улар вақтинчалик йўқ бўлган ҳолларда уларни бошқа аъзолар билан алмаштиради.

60. Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди.

Участка сайлов комиссияси участкадаги рўйхат бўйича овоз беришда иштирок этувчи ҳар бир сайловчига тегшли сайлов учун бир донадан ортиқ сайлов бюллетени берилмаслигини таъминлайди. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштириб берилганлиги бундан мустасно.

61. Овоз бериш сайлов куни соат 8:00 дан 20:00 гача ўтказилади.

62. Сайловчи сайлов куни овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади (паспорт, идентификация ID-карта, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий гувоҳнома).

Участка сайлов комиссиясининг аъзоси сайловчининг шахсини тасдиқловчи хужжати асосида унинг сайловчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади. Сайловчининг сайловчилар рўйхатида мавжудлигини аниқласа, унга сайловчилар рўйхатидаги тартиб рақамини айтади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўйиб, сайлов бюллетенини олиши мумкинлигини тушунтиради.

63. Сайловчининг сайловчилар рўйхатидаги маълумотлари текширилиши натижасида сайловчи мазкур сайлов участкасининг сайловчилари рўйхатида мавжуд эмаслиги аниқланса, сайловчи шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (ушбу сайлов участкаси ҳудудида доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлигини) тасдиқловчи хужжат асосида участка сайлов комиссияси раисига мазкур Низомнинг 19-иловасидаги намунага мувофиқ ариза билан ёзма шаклда мурожаат қилади.

Сайловчининг аризаси қабул қилиб олингач, участка сайлов комиссияси раиси сайловчининг доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган яшаш жойидан келиб чиқиб, уни ушбу сайлов участкасининг сайловчилар рўйхатига киритиш ёки киритмаслик масаласини ҳал этади.

Бунда, сайловчини сайловчилар рўйхати иловасига киритиш масаласи қўйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигида ҳал этилади:

1-ҳаракат: участка сайлов комиссияси раисининг кўрсатмасига асосан комиссия котиби сайловчининг сайлов участкасини СЖБАТдан излаб топади;

2-ҳаракат: комиссия котиби излаб топилган сайлов участкасидаги комиссия раиси билан алоқа воситаси (телефон) орқали боғланиб, сайловчининг овоз берган ёки бермаганлигини аниқлайди. Овоз бермаганлик факти аниқланганидан сўнг, сайловчининг ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхати иловаси асосида овоз бераётганлиги ҳақида маълум қилади. Раис билан боғланиш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам бериш учун тегишли ишчи гуруҳга мурожаат қилади;

3-ҳаракат: комиссия котиби комиссия раисини хабардор қилган ҳолда сайловчини мазкур Низомнинг 20-иловасига мувофиқ сайловчилар рўйхати иловасига киритади ва унга овоз бериш учун сайлов бюллетенини имзо қўйдириб топширади.

Сайлов участкасида сайловчилар рўйхатининг иловаси комиссия раисининг кўрсатмасига асосан фақат комиссия котиби томонидан юритилади. Комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан сайловчилар рўйхатининг иловаси юритилишига йўл қўйилмайди.

Қуйидаги ҳолларда сайловчини сайловчилар рўйхати иловасига киритиш рад этилади:

сайловчи бошқа сайлов участкасида овоз берган бўлса;

сайловчи доимий ёки вақтинча рўйхатга олинмаган яшаш жойи бўйича участка сайлов комиссиясига мурожаат қилган бўлса.

Бунда, участка сайлов комиссияси раиси сайловчининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи бўйича бошқа сайлов участкасида овоз бериши кераклигини тушунтиради ҳамда тегишли аризада рад этиш асосига белги қўяди.

Сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчининг бошқа сайлов участкасида овоз бераётганлиги ҳақида маълумот олган (2-ҳаракатни амалга ошириш жараёнида) участка сайлов комиссиясининг раиси сайловчилар рўйхатига ушбу сайловчи бошқа сайлов участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритади. Яқуний баённомани тўлдириш вақтида ушбу сайловчи участкадаги сайловчиларнинг умумий сонига қўшилмайди.

64. Сайловчининг сайловчилар рўйхатидаги маълумотлари текширилиши натижасида сайловчи турган жойида овоз бериш учун мурожаат қилганлиги аниқланса, участка сайлов комиссиясининг аъзоси бу ҳақда участка сайлов комиссияси раисига хабар беради. Овоз бериш ўтказилаётган вақтда турган жойида овоз бериш учун мурожаат қилган сайловчиларнинг рўйхати доимий тарзда юритилади ҳамда мувофиқлаштириб борилади.

65. Сайловчилар рўйхатидаги маълумотлари текширилган сайловчи сайлов бюллетенини беришга масъул участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда унга сайловчилар рўйхатидаги тартиб рақамини айтиб, сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга тегишли сайлов учун бир донадан сайлов бюллетени берилади.

Участка сайлов комиссияси аъзоси бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериши тақиқланади.

Сайловчининг илтимосига биноан сайлов бюллетенини тўлдириш учун Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафарет берилади.

66. Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради.

Бунда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси, сиёсий партиянинг номи рўпарасида ўнг томонда жойлашган бўш квадратга “+” ёки “✓” ёхуд “х” белгисини қўяди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиликка алмаштирилиши мумкин.

Овоз бериш вақтида бузиб қўйилган сайлов бюллетенларининг орқа томонида тегишли белги қўйилади ва ҳар бир сайлов турига қараб алоҳида сақланади.

Овоз берувчи томонидан бюллетенни тўлдириш вақтида хатога йўл қўйилган ва унинг ўрнига янги сайлов бюллетени берилган, бу ҳақда сайловчилар рўйхатида ҳамда бекор қилинган бузилган сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйилган сайлов бюллетени бузилган ҳисобланади.

Сайлов бюллетенини тўлдирилган ҳолатда ёки уни тўлдириш жараёнини суратга ёхуд видеога олиш, олинган тасвирларни тарқатиш, шу жумладан ижтимоий тармоқларга жойлаштириш тақиқланади.

67. Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

68. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.

69. Тўлдирилган сайлов бюллетенини овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

70. Сайлов куни овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида қуйидагилар ҳозир бўлиши мумкин:

тегишли участка сайлов комиссияси аъзолари;

юқори турувчи сайлов комиссияси аъзолари;

кузатувчилар;

оммавий ахборот воситалари вакиллари;

участкадаги сайловчилар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар.

Овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишига рухсат этилмайди. Бинода ушбу зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси раисининг зиммасида бўлади.

Участка сайлов комиссияси бинотида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслар (сайловчилардан ташқари) тегишли комиссиялар томонидан берилган мақомини тасдиқловчи мандат (гувоҳномаси)ни бошқаларга кўринадиган ҳолда таққан бўлишлари шарт.

Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари овоз бериб бўлган сайловчини бинотдан чиқариб юбориш чораларини кўради.

71. Кузатувчилар, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ва аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳарбий қисмларда тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши керак.

Ушбу участка сайлов комиссиясининг раиси, ўз навбатида, ҳарбий қисмларнинг маъмуриятига мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган шахслар ҳақидаги маълумотларни (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, сайловда ким сифатида иштирок этиши) ушбу муассасага тўсиқсиз кириб-чиқишлари учун тақдим этади.

Ҳарбий қисмларнинг маъмурияти уларнинг кириб чиқиши ва хавфсизлигини таъминлаш, ички тартиб-қоидаларига риоя этиши учун масъул ҳисобланади.

72. Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш бинотида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни санаб чиқишда ғайриқонуний тўсқинликлар вужудга келганида ички ишлар ёки Миллий гвардия ходимларига мурожаат қилиши мумкин.

Бунда, ички ишлар ёки Миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишлари лозим.

Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги тартибсизлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар бартараф этилганидан сўнг, участка сайлов комиссияси раиси кўрсатмаси асосида сайлов участкаси бинотини тарқ этишлари ва сайлов жараёнига халақит бермайдиган жойга жойлашишлари шарт.

9-боб. Сайловчининг турган жойида овоз беришини ташкил этиш

73. Айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш бинотига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига бинотан улар турган жойида ташкил этади.

Бунда участка сайлов комиссияси аъзоси қайдлов дафтарига сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақти ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар участка сайлов комиссияси аъзосининг имзоси билан тасдиқланади.

74. Участка сайлов комиссияси томонидан сайловчи турган жойида овоз беришни ташкил этиш сайлов кундаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Сайловчиларнинг мурожаатлари бўйича улар турган жойга кўчма сайлов қутиси билан борадиган участка сайлов комиссиясининг аъзолари мурожаатлар сонидан кам бўлмаган миқдордаги бюллетенларни имзо чекиб оладилар. Сайловчилар мурожаатларининг сони, шунингдек ишлатилган ва қайтарилган сайлов бюллетенларининг сони мазкур Низомнинг 21-иловасига мувофиқ шаклда алоҳида далолатномада қайд этилади.

75. Участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

76. Турган жойида овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи тегишли участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда мазкур Низомнинг 22-иловасига мувофиқ шаклдаги сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди. Шундан кейин унга тегишли сайлов учун бир донадан сайлов бюллетени берилади.

77. Сайловчи яширин овоз бериб бўлганидан сўнг, сайловчилар рўйхатининг тегишли жойига (сайловчининг фамилияси рўпарасига) “турган жойида овоз берди” ёзуви киритилади.

10-боб. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

78. Қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган шунингдек, жиноят содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

79. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларидаги овоз бериш биносини жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти муассаса маъмурияти ва участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

80. Қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган шунингдек, жиноят содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатига киритилади.

Суд томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

81. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларидаги сайловчилар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказлашган тартибда сайловга камида бир ой қолгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигига (бундан буён матнда Персоналлаштириш агентлиги деб юритилади) СЯЭРга тузатишлар киритиш учун юборади.

Агарда мазкур муассасаларда тузилган сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатида ўзгаришлар амалга оширилса, сайловга камида беш кун қолгунга қадар ушбу маълумотлар ҳам Персоналлаштириш агентлигига етказиб бериш чоралари кўрилади.

82. Манзил-колонияларида сайлов участкалари тузилмаган ҳолатларда, улар бириктирилган участка сайлов комиссияларига муассасадаги сайловчилар ҳақидаги маълумотлар ушбу муассаса раҳбари томонидан сайловга камида етти кун қолганда тақдим этилади.

83. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ушбу муассасаларнинг ички тартиб қоидалари ва режимини инобатга олган ҳолда, сайловга уч кун қолганида фуқароларга сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг маъмурияти мазкур маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги учун масъулдир.

84. Кузатувчилар, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ва аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши керак.

85. Участка сайлов комиссияси, ўз навбатида, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг маъмуриятига мазкур Низомнинг 84-бандида кўрсатилган шахслар ҳақидаги маълумотларни (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, сайловда ким сифатида иштирок этиши) ушбу муассасага тўсиқсиз кириб-чиқишлари учун тақдим этади.

Қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг маъмурияти уларнинг кириб чиқиши ва хавфсизлигини таъминлаш, ички тартиб-қоидаларига риоя этиши учун масъул ҳисобланади.

86. Қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг ички-тартиб қоидалари ва режимдан келиб чиқиб, сайловчилар овоз бериш хонасига кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб келинади.

87. Сайлов участкаси тузилмаган манзил-колонияларида бириктирилган участка сайлов комиссияси томонидан сайловчиларга турган жойида овоз бериш ташкил этилади.

Бириктирилган участка сайлов комиссияси мазкур сайловчиларни сайловчилар рўйхати иловасига киритади.

11-боб. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

88. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, консулик муассасалари (бундан буён матнда дипломатик ваколатхона деб юритилади) ҳузуридаги участка сайлов комиссиялари (бундан буён матнда хориждаги участка сайлов комиссияси деб юритилади) шакллантирилгандан сўнг, уларга Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (бундан буён матнда Ташқи ишлар вазирлиги деб юритилади) орқали овоз беришни ташкил этиш учун зарур бўлган сайловга оид ҳужжатларни, хусусан, сайлов бюллетенлари, сайлов қутилари, яширин овоз бериш кабиналари, хориждаги участка сайлов комиссиясининг муҳри, пломбалар ва бошқаларни етказиб бериш ҳамда топширишни ташкил этади.

89. Дипломатик ваколатхоналар ҳузурида тузилган сайлов участкалари (бундан буён матнда хориждаги сайлов участкаси деб юритилади) бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Шунингдек, хорижда вақтинча ёки доимий яшаётган фуқаролар, уларнинг мурожаатларига асосан хориждаги сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатига киритилади.

90. Чет давлатларда турган фуқаролар ўзини сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловга камида ўн беш кун қолғунига қадар хориждаги участка сайлов комиссияларига ёзма шаклда ёки Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

91. Сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатда фуқаро кўйидаги маълумотларни кўрсатиши лозим:

фамилия, исми, отасининг исми;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

туғилган санаси;

Ўзбекистон Республикасидаги охириги доимий яшаш жойи (агар мавжуд бўлса);

чет давлатдаги яшаш жойи;

боғланиш учун телефон рақамлари.

Мурожаатга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг (нобиометрик, биометрик, хорижга чиқиш ва дипломатик), фотосурати бўлган ва манзили (агар мавжуд бўлса) кўрсатилган варақлари нусхаси илова қилинади.

Сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали мурожаат қилинганда сайловчилар электрон шаклда кўрсатилган маълумотларни киритади.

92. Хориждаги участка сайлов комиссияси аъзоси фуқаронинг сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотларни текширади ва фуқаронинг маълумотлари бўйича рўйхатга тегишли ўзгартиришларни киритади.

Фуқаро мазкур Низомнинг 91-бандида назарда тутилган маълумотларни тўлиқ тақдим этмаган тақдирда, хориждаги участка сайлов комиссияси фуқарога маълумотларни тўлдириш имконини беради. Агар фуқаро ушбу маълумотларни тўлиқ тақдим этмаса, хориждаги участка сайлов комиссияси фуқарони сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги ҳақида хабардор қилиш чораларини кўради.

93. Хориждаги участка сайлов комиссиялари сайловчилар рўйхатига қўшимча киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

Ташқи ишлар вазирлиги ўз навбатида сайловчилар рўйхатига қўшимча киритилган сайловчилар ҳақидаги маълумотларни умумлаштирилган ҳолда Персоналлаштириш агентлигига СЯЭРга тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим қилади.

94. Ташқи ишлар вазирлиги Персоналлаштириш агентлигига хориждаги сайлов участкасининг сайловчилари рўйхатига қўшимча киритилган сайловчилар ҳақидаги маълумотларни, яъни электрон шаклда жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақамини (у мавжуд бўлмаганда – фуқаро паспортининг серияси ва рақамини, шунингдек сайловчининг туғилган санаси (йййй.оо.кк), жинси, миллати), фамилияси, исми ва отасининг исмини (давлат тилида, лотин ёзувида), фуқаронинг чет давлатдаги яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни юборади.

95. Хориждаги участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш усуллари, жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

96. Хориждаги участка сайлов комиссияси сайловдан ўн беш кун олдин ўз ҳудудидаги сайловчиларнинг рўйхатини чоп этади ва сайловчилар танишиб чиқиши учун тақдим этади.

97. Фуқароларга Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналарнинг расмий веб-сайтлари ва биноларида уларнинг ички тартиб қоидалари ва режимини инобатга олган ҳолда сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

98. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

99. Хориждаги участка сайлов комиссияси дипломатик ваколатхонанинг маъмуриятига мазкур Низомнинг 98-бандида кўрсатилган шахслар ҳақидаги маълумотларни (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, сайловда ким сифатида иштирок этиши) тақдим этади.

100. Хориждаги участка сайлов комиссияси сайловчиларни оммавий ахборот воситалари ёки бошқа йўллар билан (маҳаллий шароитни инобатга олган ҳолда):

сайлов кампанияси бошлангани;

сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш;

муддатидан олдин овоз бериш кунлари ва сайлов куни;

хориждаги сайлов участкаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган фуқароларни тегишли хориждаги сайлов участкаси сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби ва муддатлари;

сайловда иштирок этаётган сиёсий партиянинг дастури ва партия рўйхати;

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги ҳақида хабардор қилади.

101. Хориждаги сайлов участкаларидаги сайловчилар сони ҳақида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир ягона сайлов округи бўйича сайлов бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди.

Сайлов бюллетенларининг топширилгани ҳамда қабул қилингани тўғрисида тегишли ҳудудий сайлов комиссияси раиси ва Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан тегишли далолатнома тузилади ва имзоланади.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлиги орқали хориждаги участка сайлов комиссияларига сайлов бюллетенларини муддатидан олдин овоз бериш кунига қадар сайловчилар рўйхатининг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда 100,5 фоизда етказиб беради.

102. Хориждаги участка сайлов комиссиялари сайловчилар сони кўплигини инобатга олган ҳолда ва сайлов кuni овоз бериш биносида навбатларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни таклиф қилиши мумкин.

103. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларга мувофиқ чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (сайловчилар) зич жойлашган ҳудудларида муддатидан олдин овоз бериш сайловчиларнинг турган жойида ўтказилиши мумкин.

Хориждаги участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда сайловчиларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари ёки бошқа манбалар орқали хабардор этади.

104. Сайловчиларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз бериш кўчма сайлов кутилари ва кабиналаридан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Хориждаги участка сайлов комиссияси кўчма сайлов қутилари ва кабиналарининг зарурий сони ҳақида Ташқи ишлар вазирлигига сайловга камида ўн беш кун қолғунига қадар маълум қилади.

Ташқи ишлар вазирлиги зарур бўлган кўчма сайлов қутилари ва кабиналарининг сони ҳақидаги умумлаштирилган маълумотни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлиги ёрдамида хориждаги участка сайлов комиссияларини муддатидан олдин овоз бериш бошланғунига қадар зарур кўчма сайлов қутилари ва кабиналари билан таъминлайди.

105. Сайловчиларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз бериш хориждаги участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида ўтказилади.

Бунда, олдиндан пломбаланган кўчма сайлов қутиси, кўчма сайлов кабинаси, махсус қоплар, пломбалар, белгиланган шаклдаги сайлов бюллетенлари, сайловчилар рўйхати кўчирмаси ёки сайловчилар рўйхати, шунингдек сайловчи томонидан сайлов бюллетени тўлдирилиши учун ручка бўлиши лозим.

106. Сайловчи хориждаги участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (паспорт – нобиометрик, биометрик, хорижга чиқиш ва дипломатик, идентификация ID-картаси, ҳарбий гувоҳнома, Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси) кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига ёки сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган сиёсий партиянинг номи рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга “+” ёки “✓” ёхуд “х” белгисини қўяди.

Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини кўчма сайлов қутисига ташлайди.

107. Тегишли ҳудудда сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш тугаганидан кейин, хориждаги участка сайлов комиссияси аъзолари кўчма сайлов қутисини очади, унинг ичидаги сайлов бюллетенларини санамасдан махсус қопга жойлайди, қопни пломба билан пломбалайди ва бу ҳақда мазкур Низомнинг 23-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатномани расмийлаштиради.

Далолатномада сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш ўтказилган кун ва жой, сайлов бюллетенини олган сайловчилар сони, хориждаги участка сайлов комиссияси аъзолари ва овоз бериш жараёнида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда имзоланади.

Мазкур далолатномага сайловчилар рўйхати ёки сайловчилар рўйхати кўчирмаси илова қилинади.

108. Сайлов бюллетенлари солинган қоп пломбаланган ҳолда далолатнома билан бирга хориждаги сайлов участкасига олиб борилади ва сайлов куни овозларни санаб чиқиш жараёни бошлангунига қадар сақланади.

Сайлов бюллетенлари солинган қоп(лар) ва далолатнома(лар)ни сақлаш хориждаги участка сайлов комиссияси котиби томонидан таъминланади.

109. Хориждаги участка сайлов комиссиялари сайлов куни овоз бериш жараёнини ушбу комиссия жойлашган ҳудуддаги маҳаллий вақт билан соат 8:00 дан 20:00 га қадар амалга оширади.

110. Хориждаги участка сайлов комиссиялари овоз беришни дипломатик ваколатхоналардаги ички тартиб-қоидалари, режими ва уларнинг бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил этади.

111. Фуқаролар дипломатик ваколатхона ички-тартиб қоидалари ва режимидан келиб чиққан ҳолда, овоз бериш хонасига киритилади.

112. Хориждаги сайлов участкаларида сайлов қутиларини маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишга йўл қўйилмайди.

113. Хориждаги участка сайлов комиссияси томонидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол тегишли ҳудудий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Баённоманинг асл нусхасини почта алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, Ташқи ишлар вазирлиги орқали ҳудудий сайлов комиссиясига етказиб бериш таъминланади.

114. Марказий сайлов комиссияси хориждаги участка сайлов комиссиялари томонидан баённома нусхаларини тегишли ҳудудий сайлов комиссияларига етказиб берилиши устидан назоратни амалга оширади.

115. Хориждаги участка сайлов комиссиясининг сайловни ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатлари, жумладан сайлов бюллетенлари дипломатик ваколатхоналарга топширилади.

Дипломатик ваколатхоналар сайловга оид ҳужжатларни тегишли ҳудудий сайлов комиссиясига етказилишини таъминлайди.

12-боб. Овозларни санаб чиқиш. Участка сайлов комиссиялари томонидан овоз бериш натижаларини аниқлаш

116. Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари соат 20:00 да овоз бериш тугаганлигини эълон қилади.

Сайлов участкаси биносида ҳозир бўлган сайловчиларга овоз бериш учун имконият берилади (агар сайловчилар бор бўлса).

117. Дипломатик ваколатхоналар ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин. Бунда, соат 20:00 гача овоз бериш тугаган бўлса, сайлов қутиларининг бюллетен ташланадиган қисмига оқ қоғоз елимланади ва участка сайлов комиссиясининг муҳри билан муҳрланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сайлов участкаларида сайлов қутиларини соат 20:00 дан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишга йўл қўйилмайди.

118. Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайлов қутиларида мавжуд бўлган сайлов бюллетенлари бўйича амалга оширилади. Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш фақатгина овоз бериш биносида ўтказилади.

119. Участка сайлов комиссиялари томонидан овозларни санаб чиқиш, овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни тўлдириш жараёнида қуйидагилар ҳозир бўлишлари мумкин:

кузатувчилар;

сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари;

оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Мазкур жараёнда участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

120. Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тегишинча мазкур Низомнинг 24, 25, 26 ёки 27-иловаларига мувофиқ шаклдаги участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаси билан расмийлаштирилади.

121. Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилаётган бўлса, участка сайлов комиссиясининг овоз бериш тугаганидан кейинги овоз бериш натижаларини аниқлаш бўйича ҳаракатлари:

1-навбатда: Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича (аввал бир мандатли, кейин ягона сайлов округи бўйича);

2-навбатда: халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича;

3-навбатда: халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича амалга оширилади.

122. Участка сайлов комиссияси аъзолари овоз бериш тугаганидан сўнг, қонунчиликда белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1-ҳаракат: фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенлари санаб чиқилади ва юқори чап бурчагини кесиш йўли билан бекор қилинади, бу ҳақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади.

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенларини боғлам қилиб ўраб, устига “Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенлари” деб ёзиб, ёнига уларнинг сонини, қайси сайловга оидлигини, сайлов округининг номи ва тартиб рақамини ёзади.

2-ҳаракат: сайловчилар рўйхати (сайловчилар рўйхати иловаси) бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сони аниқланади, бошқа сайлов участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритилганлар умумий сондан чиқарилади.

Шундан сўнг, комиссия раиси томонидан биринчи навбатда сайловчилар рўйхати бўйича аниқланган сайловчилар сони, иккинчи навбатда сайловчилар рўйхатининг иловасига киритилган сайловчилар сони эълон қилинади. Ушбу маълумотлар умумлаштирилган ҳолда якуний баённомага киритилади;

3-ҳаракат: сайловчилар рўйхати (сайловчилар рўйхати иловаси, сайловчилар рўйхатидан кўчирма)нинг ҳар бир варағига сайлов бюллетени олганлиги тўғрисида имзо қўйган сайловчиларнинг имзолари саналади ва шу варақнинг пастки ўнг томонига ушбу маълумотлар киритилади;

маълумотлар киритилганидан кейин сайловчилар рўйхати (сайловчилар рўйхати иловаси, сайловчилар рўйхатидан кўчирма)нинг ҳар бир варағи ушбу маълумотларни киритган комиссия аъзоси томонидан имзоланади ва барча варақлардаги рақамлар умумлаштирилади ва аниқланган маълумотлар сайловчилар рўйхатининг охириги варағига киритилади, раис имзоси ва участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Шундан сўнг, ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади.

4-ҳаракат: сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида комиссиянинг сейфида сақланаётган муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертлар сайлов қутисига ҳамманинг эътиборига ҳавола қилинган ҳолда алоҳида-алоҳида ташланади;

5-ҳаракат: сайлов қутиларидаги пломбаларнинг рақамлари пломбалаш далолатномаси билан солиштирилади. Дипломатик ваколатхоналар ҳузурида тузилган сайлов участкаларида махсус қоп(лар)даги пломбада мавжуд рақамлар тегишли далолатномадаги рақамлар билан ҳам солиштирилади;

6-ҳаракат: овозларни санашни бошлашдан олдин столлар бирлаштирилади, ушбу столлар устидаги барча ёзув ашёлари (ручка, қалам ва бошқа воситалар) ҳамманинг эътиборига ҳавола қилинган ҳолда четга олиб қўйилади;

7-ҳаракат: стационар ва кўчма сайлов қутилари (хориждаги сайлов участкаларида махсус қоплар ҳам) очилади. Бюллетенлар стол устига тўкилади. Конвертлар очилади ва алоҳида сақланади.

Агар Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилаётган бўлса, Қонунчилик палатаси (бир мандатли ва ягона сайлов округи), тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенлари алоҳида-алоҳида ажратиб олинади. Ундан кейин тегишли сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар (сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари (хориждаги сайлов участкасида махсус қоп(лар)даги ҳам) сони аниқланади ҳамда ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади.

8-ҳаракат: участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳар бир номзодни ва сиёсий партияни ёқлаб берилган овозлар бўйича сайлов бюллетенларини ўқиб эшиттирган ва намоиш этган ҳолда алоҳида-алоҳида боғламларга ажратади;

сайлов бюллетенининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирганда, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади;

9-ҳаракат: ҳар бир номзодни ва сиёсий партияни ёқлаб берилган овозлар алоҳида-алоҳида санаб чиқилади, ҳар бир номзодни ва сиёсий партияни ёқлаб берилган овозлар сони аниқланади ҳамда якуний баённомага киритилади;

ҳар бир номзодни ва сиёсий партияни ёқлаб берилган сайлов бюллетенлари алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўралади. Боғламда ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилиб, уни ёқлаб берилган овозлар сони, қайси сайловга оидлиги ва сайлов округининг номи ҳамда тартиб рақами кўрсатилади. Шунингдек, Қонунчилик палатасига ягона сайлов округи бўйича ўтказилган сайловда ҳар бир сиёсий партиянинг номи ёзилиб, овозлар сони кўрсатилади;

10-ҳаракат: қуйидаги сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳақиқий эмас деб топилади:

белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қоғоз сифати, босмаҳона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи) сайлов бюллетенлари;

участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари;

сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган номзодга ёқлаб овоз берилган сайлов бюллетенлари;

овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга “+” ёки “✓” ёхуд “х” белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белгилар қўйилмаган сайлов бюллетенлари.

Сайлов бюллетенларига қўшимча равишда ёзиб қўйилган фуқароларнинг фамилиялари ёки ёзувлар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди ва ушбу сайлов бюллетенлари ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар санаб чиқилади, алоҳида боғлам қилиб ўралади ва уларнинг сони якуний баённомага киритилади.

Боғламда “Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар” деб ёзилиб, уларнинг сони, қайси сайловга оидлиги, сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади.

Агар Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бир вақтда ўтказилса, унда юқоридаги ҳар бир ҳаракат барча даражадаги сайловлар бўйича амалга оширилгач, кейинги ҳаракатга ўтилади.

123. Зарур ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин комиссия якуний мажлис ўтказади. Унда овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш вақтида йўл қўйилган қонунбузилишлар ҳақидаги шикоят ёки аризалар кўриб чиқилади.

124. Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисида баённома тузишдан олдин комиссия раиси ҳозир бўлганлар эътиборига овоз бериш кунда ва овозларни санаб чиқиш тугагунича комиссияга келиб тушган шикоятлар (аризалар) ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотни етказади. Тегишли баённомага илова қилинадиган далолатномалар ва бошқа ҳужжатларни кўрсатиб ўтади. Комиссия фаолияти бўйича эътирозлар, шикоятлар бор-йўқлигини аниқлайди, зарурат бўлса, комиссия ушбу эътироз ёки шикоятларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади.

125. Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Шундан кейин комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа

аъзолари томонидан овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённома иккита нусхада тўлдирилади, имзоланади ва участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага бирон-бир тарзда ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

Агар участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасини тўлдириш вақтида комиссиянинг айрим аъзолари ҳозир бўлмасалар, бу ҳақда мажлис баённомасида уларнинг ҳозир бўлмаганликлари сабаблари кўрсатиб ўтилади.

Шундан сўнг, участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаси участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили, кузатувчилар участка сайлов комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини сўраб олишга ҳақли.

126. Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасини имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага илова қилишга ҳақли.

127. Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасининг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида ҳудудий сайлов комиссиясига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловида округ сайлов комиссиясига, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари сайловида эса тегишли туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилади.

128. Ҳудудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари орқали олинган участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри ёки нотўғри тўлдирилганлигини текширади.

129. Участка сайлов комиссиясининг баённомасида акс эттирилган, овозларни санаб чиқиш чоғида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, ҳудудий, туман, шаҳар ёки округ сайлов комиссияси участка сайлов

комиссиясига ўз мажлисида ушбу номувофикликларни бартараф этишини тушунтиради.

Участка сайлов комиссияси ўз мажлисида аниқланган номувофикликларни қайта кўриб чиқиб бартараф қилади. Аввалги баённомани асослари кўрсатилган ҳолда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда янги қарор билан тузатилган баённома тасдиқланади.

Ҳамма танишиб чиқиши учун осиб қўйилган баённома янгиси билан алмаштирилади ва янгидан тўлдирилган баённома мазкур Низомнинг 125-бандида белгиланган тартибда тегишинча ҳудудий, туман, шаҳар ёки округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри тўлдирилганлигини тасдиқлагандан сўнг, баённомаларнинг биринчи асл нусхаси ички ишлар органлари ходимлари кузатувида, комиссия раиси томонидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича тегишли ҳудудий сайлов комиссиясига, раис ўринбосари томонидан халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича округ сайлов комиссиясига, комиссия котиби томонидан халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича туман, шаҳар сайлов комиссиясига олиб бориб топширилади.

130. Ҳудудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаси қабул қилинганидан сўнг, участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари ва котиби ажратилган ҳолда тайёрлаб қўйилган “Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенлари”, “Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари” ҳамда ҳар бир номзод ва сиёсий партия бўйича алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўралган сайлов бюллетенларини махсус қопга жойлаштиради.

Сайлов бюллетенлари жойлаштирилгач, сайловчилар рўйхати ва овозларни санаб чиқиш бўйича баённоманинг иккинчи нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам қопга жойлаштирилади.

Қопда сайлов участкасининг рақами ва ичидаги ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади. Қоп пломбланади ва қопни пломбланганлиги ҳақида далолатнома тузилади ҳамда вақтинча сақлаш учун комиссия раисининг хонасига жойлаштирилади. Сайлов бюллетенлари солинган қоп тегишлича архивга топширилгунга қадар комиссия раисининг хонаси ички ишлар ёки миллий гвардия ходимлари томонидан қўриқланади.

Сайлов бюллетенлари жойлаштирилган қоп фақат суднинг қарорига биноан очилиши мумкин.

131. Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги қароридан норози бўлган номзодлар ёхуд сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари овозларни қайта санаб чиқилишини сўраб тегишли судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

13-боб. Округ (ҳудуд) бўйича сайлов натижаларини ва сиёсий партияларга берилган овозларни аниқлаш

132. Ҳудудий сайлов комиссияси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови, округ сайлов комиссияси халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови, туман, шаҳар сайлов комиссияси халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича участка сайлов комиссияларидан сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни соат 20:00 дан кейин қабул қилишни бошлайди.

133. Ҳудудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг баённомасидаги тегишли рақамларни бир мандатли сайлов округлари бўйича дарҳол мазкур Низомнинг 28-иловасига мувофиқ ҳар бир сайлов округи бўйича натижаларни жамлаб бориш жадвалига киритади.

Ҳудудий сайлов комиссияси ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар умумлаштирилган участка сайлов комиссиясининг баённомасидаги тегишли рақамларни мазкур Низомнинг 28а-иловасига мувофиқ тегишли ҳудуд бўйича натижаларни жамлаб бориш жадвалига киритади.

134. Ҳудудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ (ҳудуд) бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, кузатувчилар ҳозир бўлишлари мумкин.

Мазкур жараёнда ҳудудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан бошқа шахсларнинг иштирок этиши таъқиқланади.

135. Округ бўйича сайлов натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этган баённомалари асосида аниқланади. Ҳудудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияси:

округ бўйича сайлов участкалари сонини;

округ бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг умумий сонини;

тегишли сайлов округи бўйича топширилган сайлов бюллетенлари сонини;

фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сонини;

сайлов бюллетенларини олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган (шу жумладан муддатидан олдин овоз берган) сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларнинг сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

136. Қонунчилик палатасига ягона сайлов округи бўйича ўтказилган сайловда тегишли ҳудуд бўйича овоз бериш натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этган баённомалари асосида ҳудудий сайлов комиссияси томонидан аниқланади. Ҳудудий сайлов комиссияси:

тегишли ҳудуд бўйича сайлов участкалари сонини;

тегишли ҳудуд бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳудудий сайлов комиссияси олган сайлов бюллетенлари сонини;

фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сонини;

сайлов бюллетенларини олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган (шу жумладан муддатидан олдин овоз берган) сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳар бир сиёсий партияни ёқлаб берилган овозларнинг сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

137. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида ҳудудий сайлов комиссияси мажлисида тааллуқлигига кўра ҳар бир сайлов округи бўйича сайлов натижалари ва ҳудуд бўйича овоз бериш натижалари аниқланади ҳамда мазкур Низомнинг 29 ва 30-иловаларига мувофиқ шаклда тузиладиган баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Округ (ҳудуд) бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага илова қилишга ҳақли.

Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун ҳудудий сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Марказий сайлов комиссияси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида сайлов яқунларига кўра округ (ҳудуд) бўйича дастлабки ва якуний сайлов натижаларини ўз веб-сайтида эълон қилади.

138. Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловида округ сайлов комиссияси мажлисида округ бўйича сайлов натижалари аниқланади ҳамда мазкур Низомнинг 31-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилаётган бўлса, сайлов ўтказилган куннинг эртасига ҳудудий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Округ бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага илова қилишга ҳақли.

Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун округ сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Ҳудудий сайлов комиссияси халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов яқунларига кўра округ бўйича дастлабки ва якуний сайлов натижаларини ўз веб-сайтида эълон қилади.

139. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови натижалари туман, шаҳар сайлов комиссияси мажлисида ҳар бир сайлов округи бўйича сайлов натижалари аниқланади ҳамда мазкур Низомнинг 32-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади.

Округ бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага илова қилишга ҳақли.

Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун туман, шаҳар сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Туман, шаҳар сайлов комиссияси халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов яқунларига кўра ҳар бир сайлов округи бўйича дастлабки ва якуний сайлов натижаларини ўз веб-сайтида эълон қилади.

14-боб. Сайлов натижаларини аниқлаш тартиби

140. Марказий сайлов комиссияси Қонунчилик палатасига, ҳудудий сайлов комиссияси халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига, туман, шаҳар сайлов комиссияси халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов яқунларини чиқаради.

Марказий сайлов комиссияси ҳудудий сайлов комиссияларининг келиб тушган баённомалари асосида, ҳудудий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг келиб тушган баённомалари асосида, туман, шаҳар сайлов комиссияси эса келиб тушган участка сайлов комиссияларининг баённомалари асосида:

тегишлилигига кўра Ўзбекистон Республикаси бўйича ёки вилоят, туман, шаҳар бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенларини олган сайловчиларнинг умумий сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳар бир номзодни ва сиёсий партияни ёқлаб берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

Сайловда:

бир мандатли сайлов округлари бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади;

Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади.

141. Сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади. Шунингдек, Қонунчилик палатасига ягона сайлов округи бўйича ўтказилган сайловда иштирок этган сиёсий партияларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини тўпламаган бўлса, ягона сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган деб топилади.

142. Сайлов давомида йўл қўйилган, овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари (ҳудудлари) бўйича ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

143. Қонунчилик палатасига сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва сайлов яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан беш кун ичида бу қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

144. Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказилган сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор ҳудудий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва сайлов яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан беш кун ичида бу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

145. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига ўтказилган сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва сайлов яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан беш кун ичида бу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

146. Айрим сайлов участкалари бўйича сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шундай участкалар бўйича овоз бериш натижалари, агар бу натижаларсиз ҳам сайлов умуман бўлиб ўтган деб топилиши мумкин бўлса, тегишли сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Тегишли сайлов комиссияси сайлов яқунлари бўйича баённома тузади ва қарор қабул қилади.

147. Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов яқунларига кўра Марказий сайлов комиссиясининг қарори сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай қабул қилинади, Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади (ҳаммага маълум қилинади).

Маҳаллий Кенгашига ўтказилган сайлов яқунлари тўғрисидаги қарор тегишли ҳудудий, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай қабул қилинади ва матбуотда эълон қилинади, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қилинади.

15-боб. Яқуний қоидалар

148. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан ахборот тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

149. Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

150. Жамоат тартибини сақлаш, сайлов ўтказиладиган бинолар ва жойларни қўриқлаш, шунингдек сайлов натижаларига доир ҳужжатларни ташиш чоғида участка сайлов комиссиялари аъзоларини кузатиб бориш тегишли ваколатли органларнинг зиммасига юклатилади.

Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари ёки ички ишлар ходимлари сайлов бюллетенлари олинган кундан бошлаб сайлов бюллетенлари ҳамда бошқа ҳужжатлар сақланадиган биноларнинг (хоналар) қўриқланишини таъминлайди.

151. Қонунчилик палатаси депутатларининг муддатидан илгари белгиланган сайловига, шунингдек, бир мандатли сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид ушбу Низомда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

СТАЦИОНАР САЙЛОВ ҚУТИЛАРИНИНГ НАМУНАСИ



100 см (катта думалок)



80 см (катта тўртбурчак)



60 см (кичик думалок)

КЎЧМА САЙЛОВ ҚУТИСИ




35 см (кўчма сайлов қутиси)



35 см (кўчма сайлов қутиси)


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
 вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
 сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА

ОВОЗ БЕРИШ ХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СХЕМАСИ




- 4-аъзо – Сайловчиларнинг сайлов участкасига киришни тартибга соладиган аъзо
- 5-6 аъзо – СЖБАТ бўйича мутахассис аъзо
- 7-аъзо – Сайлов қутисига сайлов бюллетенларини ташлаш жараёнини назорат қиладиган аъзо
- 8-11 аъзо – Сайлов бюллетенларини сайловчига берадиган аъзо

ОВОЗ БЕРИШ ХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СХЕМАСИ




- 4-аъзо – Сайловчиларнинг сайлов участкасига киришни тартибга соладиган аъзо
- 5-6 аъзо – СЖБАТ бўйича мутахассис аъзо
- 7-аъзо – Сайлов қутисига сайлов бюллетенларини ташлаш жараёнини назорат қиладиган аъзо
- 8-11 аъзо – Сайлов бюллетенларини сайловчига берадиган аъзо

ОВОЗ БЕРИШ ХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СХЕМАСИ



- 4-аъзо – Сайловчиларнинг сайлов участкасига киришини тартибга соладиган аъзо
- 5-6 аъзо – СЖБАТ бўйича мутахассис аъзо
- 7-аъзо – Сайлов қутисига сайлов бюллетенларини ташлаш жараёнини назорат қиладиган аъзо
- 8-11 аъзо – Сайлов бюллетенларини сайловчига берадиган аъзо

ОВОЗ БЕРИШ ХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СХЕМАСИ



- 4-аъзо – Сайловчиларнинг сайлов участкасига киришини тартибга соладиган аъзо
- 5-6 аъзо – СЖБАТ бўйича мутахассис аъзо
- 7-аъзо – Сайлов қутисига сайлов бюллетенларини ташлаш жараёнини назорат қиладиган аъзо
- 8-11 аъзо – Сайлов бюллетенларини сайловчига берадиган аъзо

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ КАБИНАЛАРИ



2 хоналик




3 хоналик




4 хоналик

КЎЧМА САЙЛОВ КАБИНАСИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА


САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ПЕШЛАВҲАСИ



Изоҳ: Ушбу пешлавҳа ўрнатиладиган овоз бериш биносининг катта ёки кичиклигини инобатга олган ҳолда, пешлавҳанинг белгиланган ўлчами бинога пропорционал равишда катталаштирилиши ёки кичиклаштирилиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

САЙЛОВГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР СТЕНДИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
 вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
 сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 6-ИЛОВА

САЙЛОВГА ОИД АХБОРОТ СТЕНДИ



Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури акс этган плакати


Сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг сайловолди дастури плакати

Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури акс этган плакати

Туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури акс этган плакати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ КЎРСАТКИЧИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари
депутатлари сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Алоҳида рўйхат

(Ушбу рўйхатга сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган, бироқ ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги аниқланган сайловчилар ҳақидаги маълумотлар киритилади ва ушбу рўйхат асосида электрон сўровнома тўлдирилади)

Сайловчининг шахсий маълумотлари:

т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, ойи ва куни	Паспорт (ёки ID-карта) серияси ва рақами	Яшаш жойи	Телефон рақами
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
...					

Участка сайлов комиссияси раиси

имзо

Ф.И.О.

Участка сайлов комиссияси котиби

имзо

Ф.И.О.

*Ушбу рўйхат асосида комиссия раиси ёки котиби томонидан СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва сайловчининг Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гуруҳига автоматик тарзда юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
 вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
 сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 9-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ,
 ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ
 САЙЛОВИ**

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ

20__ й. «__» _____

(сайлов санаси)

_____ **САЙЛОВ УЧАСТКАСИ**

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили*	Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили*
1.			26.		
2.			27.		
3.			28.		
4.			29.		
5.			30.		
6.			31.		
7.			32.		
8.			33.		
9.			34.		
10.			35.		
11.			36.		
12.			37.		
13.			38.		
14.			39.		
15.			40.		
16.			41.		
17.			42.		
18.			43.		
19.			44.		
20.			45.		
21.			46.		
22.			47.		
23.			48.		
24.			49.		
25.			50.		

*Сайлов куни 18 ёшга тўлган сайловчиларнинг туғилган куни ва ойи кўрсатилсин.

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили*	Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили*
51.			79.		
52.			80.		
53.			81.		
54.			82.		
55.			83.		
56.			84.		
57.			85.		
58.			86.		
59.			87.		
60.			88.		
61.			89.		
62.			90.		
63.			91.		
64.			92.		
65.			93.		
66.			94.		
67.			95.		
68.			96.		
69.			97.		
70.			98.		
71.			99.		
72.			100.		
73.			101.		
74.			102.		
75.			103.		
76.			104.		
77.			105.		
78.			106.		

Участка сайлов комиссияси раиси

имзо

Ф.И.О

Участка сайлов комиссияси котиби

**имзо
мухр**

Ф.И.О

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
 вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
 сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 10а-ИЛОВА

БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Сайлов округининг тартиб рақами ва номи

Далолатнома тузилган сана

йил	кун	ой
-----	-----	----

Далолатнома тузилган жой (манзил)

Худудий сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

 га

Сайлов бюллетенларининг сони (рақам ва сўзда ёзилади)

<input style="width: 95%; height: 95%;" type="text"/>	<p>дона сайлов бюллетенларини топширди.</p>
---	---

Сайлов бюллетенларини топширдим:

Худудий сайлов комиссиясининг номи

Худудий сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

<input style="width: 95%; height: 95%;" type="text"/> <i>Ф.И.О.</i>	<input style="width: 95%; height: 95%;" type="text"/> <i>ИМЗО</i>
--	--

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим:

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

<input style="width: 95%; height: 95%;" type="text"/> <i>Ф.И.О.</i>	<input style="width: 95%; height: 95%;" type="text"/> <i>ИМЗО</i>
--	--

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
 вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
 сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 106-ИЛОВА

ЯГОНА САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Далолатнома тузилган сана

Далолатнома тузилган жой (манзил)

Худудий сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи га

Сайлов бюллетенларининг сони (рақам ва сўзда ёзилади) дона сайлов бюллетенларини топширди.

Сайлов бюллетенларини топширдим:

Худудий сайлов комиссиясининг номи

Худудий сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим:

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

**БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК
 ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ
 БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
 ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Сайлов округининг тартиб рақами ва номи

Далолатнома тузилган сана

Далолатнома тузилган жой (манзил)

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Сайлов участкасининг тартиб рақами

га

Сайлов бюллетенларининг сони (рақам ва сўзда ёзилади)

дона сайлов
 бюллетенларини
 топширди.

Сайлов бюллетенларини топширдим:

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим:

Сайлов участкасининг тартиб рақами

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
 вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
 сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 116-ИЛОВА

ЯГОНА САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Далолатнома тузилган сана

<i>йил</i>	<i>кун</i>	<i>ой</i>
------------	------------	-----------

Далолатнома тузилган жой (манзил)

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг
 номи

Сайлов участкасининг тартиб рақами

га

Сайлов бюллетенларининг сони
 (рақам ва сўзда ёзилади)

дона сайлов
бюллетенларини
топширди.

Сайлов бюллетенларини топширдим:

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг
 номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг
 раиси ёки раис ўринбосари ёхуд
 котиби фамилияси, исми, отасининг
 исми, имзоси

<i>Ф.И.О.</i>	<i>имзо</i>
---------------	-------------

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим:

Сайлов участкасининг тартиб рақами

Участка сайлов комиссиясининг
 раиси ёки раис ўринбосари ёхуд
 котиби фамилияси, исми, отасининг
 исми, имзоси

<i>Ф.И.О.</i>	<i>имзо</i>
---------------	-------------

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, (ТОШКЕНТ ШАҲАР) КЕНГАШИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Сайлов округининг тартиб рақами ва номи

Далолатнома тузилган сана

Далолатнома тузилган жой (манзил)

Худудий сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

га

Сайлов бюллетенларининг сони (рақам ва сўзда ёзилади)

дона сайлов
 бюллетенларини
 топширди.

Сайлов бюллетенларини топширдим:

Худудий сайлов комиссиясининг номи

Худудий сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим:

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари
 вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари
 сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 13-ИЛОВА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, (ТОШКЕНТ ШАҲАР) КЕНГАШИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Сайлов округининг тартиб рақами ва номи

Далолатнома тузилган сана

йил

кун

ой

Далолатнома тузилган жой (манзил)

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Сайлов участкасининг тартиб рақами

га

Сайлов бюллетенларининг сони (рақам ва сўзда ёзилади)

дона сайлов
 бюллетенларини
 топширди.

Сайлов бюллетенларини топширдим:

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Ф.И.О.

имзо

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим:

Сайлов участкасининг тартиб рақами

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Ф.И.О.

имзо

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШИ
 САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ
 ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
 ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Сайлов округининг тартиб рақами ва номи

Далолатнома тузилган сана

Далолатнома тузилган жой (манзил)

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Сайлов участкасининг тартиб рақами

га

Сайлов бюллетенларининг сони (рақам ва сўзда ёзилади)

дона сайлов бюллетенларини топширди.

Сайлов бюллетенларини топширдим:

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг номи

Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим:

Сайлов участкасининг тартиб рақами

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари
депутатлари сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
15-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИ**

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИДАН КЎЧИРМА
(муддатидан олдин овоз берган сайловчилар бўйича)

20__ й. «__» _____
(сайлов санаси)

_____ **САЙЛОВ УЧАСТКАСИ**

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили*	Турар жойи	Сайловчининг сайлов бюллетенини олганлиги ҳақидаги имзоси			
				Қонунчилик палатаси депутати сайлови бўйича		Вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати сайлови бўйича	Туман, шаҳар Кенгаши депутати сайлови бўйича
				Бир мандатли сайлов округи бўйича	Ягона сайлов округи бўйича		
1	2	3	4	5	6	7	8

*) Сайлов куни 18 ёшга тўлган сайловчиларнинг туғилган куни ва ойи кўрсатилсин.

Изоҳ: Мазкур рўйхатга сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар ёзув ручкаси орқали киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари
депутатлари сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
16а-ИЛОВА

**Сайлов куни овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишда
участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан амалга ошириладиган
ВАЗИФАЛАР ТАҚСИМОТИ**

УСК аъзолари	Сайлов куни бажарадиган асосий вазифалари
Раис	<p>Комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.</p> <p>Сайлов участкаси ўрнатилган тартибда жиҳозланганлигини, жиҳозлар белгиланган тартибда жойлаштирилганлигини кўздан кечиради.</p> <p>Стационар ва кўчма сайлов кутиларининг бўшлигини текширган ҳолда, белгиланган тартибда пломбаланиши ва далолатнома тузилишини ташкил қилади.</p> <p>Сайловчиларга тартибли равишда бюллетенларни бериш мақсадида, масъул комиссияси аъзоларига сайловчилар рўйхатини алифбо кетма-кетлигида тақсимлаб беради.</p> <p>Сайлов бюллетенларини далолатнома асосида сайловчиларга беришга масъул этиб белгиланган комиссия аъзоларига топширади.</p> <p>Соат 8:00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилишини ташкиллаштиради.</p> <p>Овоз бериш бошланганлигини эълон қилади.</p> <p>Сайлов участкасидаги сайловчилар сонини, туман, шаҳар сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетенларнинг сонини, муддатидан олдин овоз берганлар сонини маълум қилади ҳамда ушбу маълумотларни якуний баённомага киритади.</p> <p>Овоз бериш бошланганлиги ҳақида алоқа воситалари орқали туман, шаҳар сайлов комиссиясига хабар беради.</p> <p>Овоз бериш жараёни сайлов участкаси ҳудудида сайлов қонунчилигига мувофиқ амалга оширилаётганлигини назорат қилади.</p> <p>Зарурат бўлганда комиссия аъзоларига ёрдам кўрсатади, улар вақтинчалик йўқ бўлган ҳолларда уларни бошқа аъзолар билан алмаштиради.</p> <p>Сайлов участкасида овоз бериш ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириб боради.</p> <p>Сайловчиларнинг сайловчилар рўйхати иловасига киритиш ҳақидаги аризасини қабул қилади, ўрганиб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.</p>

	<p>Жамоат тартибини сақлашда сайлов участкасига бириктирилган ички ишлар ёки Миллий гвардия ходими билан ҳамкорликда иш олиб боради.</p> <p>Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, бу ҳақида юқори турувчи сайлов комиссиясини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилади.</p> <p>Соат 20:00 да овоз бериш тугаганлигини эълон қилади.</p>
Раис ўринбосари	<p>Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, ОАВ вакиллари рўйхатга олиншини ташкиллаштиради.</p> <p>Сайловчилар навбатма-навбат тартиб билан сайлов бюллетенларини олишини, овоз беришини ташкил этади ва доимий назорат қилиб боради.</p> <p>Овоз беришда иштирок этувчи ҳар бир сайловчига тегишли сайлов учун бир донадан сайлов бюллетени берилишини назорат қилади.</p> <p>Бошқа шахс учун овоз бермокчи бўлган сайловчига сайлов бюллетени берилмаслигини назорат қилади.</p> <p>Сайлов бюллетенини тўлдирилган ҳолатда ёки уни тўлдириш жараёнини суратга ёхуд видеога олинмаслигини назорат қилади.</p> <p>Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида яширин овоз бериш кабинасида сайловчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўймайди.</p> <p>Овоз бериб бўлган сайловчини бинодан чиқариб юбориш чораларини кўради.</p>
Котиб	<p>Сайловчиларга тақдим этилган сайлов бюллетенлари сонининг ҳисобини ҳар соатда юритиб боради.</p> <p>Туман, шаҳар сайлов комиссиясига ҳар соатда сайловчиларнинг иштироқи юзасидан ахборот беради.</p> <p>Раис кўрсатмасига асосан сайловчилар рўйхатининг иловасини Низомда белгиланган тартибда юритади.</p> <p>Турган жойида овоз беришни ташкил этиш тўғрисида мурожаат қилган сайловчиларни қайдлов дафтарига киритади.</p>
4-аъзо (Сайловчиларнинг сайлов участкасига навбат билан киришини назорат қилувчи)	<p>Сайлов участкасининг кириш жойида туради ва сайловчиларнинг навбат билан киришини таъминлайди.</p> <p>Сайловчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бор йўқлигини текширади.</p> <p>Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бор бўлса СЖБАТга масъул бўлган комиссия аъзосига йўналтиради.</p> <p>Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари сайловчининг ёнида йўқ бўлса, овоз бериш жараёнида иштирок этиш учун сайлов қонунчилигига мувофиқ шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт эканлигини тушунтиради ва сайловчидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб келишини илтимос қилади.</p> <p>Ногиронлар аравачасидан фойдаланаётган сайловчиларнинг сайлов участкасига киришига кўмаклашади.</p> <p>Ушбу аъзо кириш жойида (эшик олдида) туради ва овоз бериш хонасида, шу жумладан сайловчиларга сайлов бюллетенлари беришда сайловчиларнинг тўпланиб қолмаслиги учун уларнинг овоз бериш хонасига тартибли равишда навбат билан киришни таъминлайди.</p>
5, 6-аъзо	<p>Сайловчидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишини сўрайди.</p> <p>СЖБАТдан юклаб олинган сайловчилар рўйхатидан (электрон файлдан) компьютер ёрдамида сайловчининг исми-шарифини қидириб топади.</p>

(СЖБАТга масъул)	<p>Сайловчи сайловчилар рўйхатида бор бўлса, муддатидан олдин овоз берган ёки бермаганлигини ёхуд турган жойида овоз бериш учун мурожаат қилган ёки қилмаганлигини текширади.</p> <p>Шундан сўнг, сайловчи рўйхатда бор бўлса, муддатидан олдин овоз бермаган бўлса ёки турган жойида овоз бериш учун мурожаат қилмаган бўлса сайловчига сайловчилар рўйхати бўйича тартиб рақамини маълум қилади (қоғозга ёзиб беради) ва унга навбатини кутишини илтимос қилади.</p> <p>Агар сайловчи сайловчилар рўйхатига кирмай қолган бўлса, комиссия раисига мурожаат қилиши лозимлигини тушунтиради.</p> <p>Ушбу аъзо кириш жойи ва сайлов бюллетенларини бериш жойи ўртасида жойлаштирилади, у стол, стул ва компьютер билан таъминланади.</p>
7-аъзо (Сайлов қутисига сайлов бюллетенларини ташлаш жараёнини назорат қилишга масъул)	<p>Сайловчи яширин овоз бериш кабинасида овоз бериб бўлганидан сўнг сайлов бюллетенини сайлов қутисига (буқланган ҳолда) ташлашини назорат қилиб туради.</p> <p>Агарда сайловчи сайлов бюллетенини ташламасдан чиқиб кетмоқчи бўлса уни тўхтатади ва сайлов бюллетенларини сайлов қутисига ташлаши лозимлигини тушунтиради.</p> <p>Сайлов бюллетенини тўлдирилган ҳолатда ёки уни тўлдириш жараёнини суратга ёхуд видеога олинмаслигини назорат қилади.</p> <p>Ушбу аъзо сайлов қутисининг ёнида туради (ўтиради).</p>
8, 9, 10, 11-аъзо (Сайловчиларга сайлов бюллетенларини беришга масъуллар)	<p>Сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида унинг шахсан келганлигини аниқлайди ва тартиб рақами асосида уни сайловчилар рўйхатидан излаб топади.</p> <p>Сайловчига сайловчилар рўйхатига имзо қўйдирган ҳолда ҳар бир сайлов тури бўйича бир донадан сайлов бюллетенини тақдим этади ҳамда яширин овоз бериш кабинасига йўналтиради.</p> <p>Комиссия раисининг кўрсатмасига асосан, иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда сайловчининг турган жойида овоз беришини ташкил этади.</p> <p><i>(Бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериш тақиқланади. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин. Овоз бериш вақтида бузиб қўйилган сайлов бюллетенларининг орқа томонида тегишли белги қўйилади ва ҳар бир сайлов турига қараб алоҳида сақланади.)</i></p>

Изоҳ: Участка сайлов комиссияси аъзоларининг сони 11 нафардан кўп ёки кам бўлган ҳолларда комиссия аъзолари ўртасидаги вазифалар тақсимотини комиссия раиси мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари
депутатлари сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
166-ИЛОВА

Овозларни санаб чиқишда участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан амалга ошириладиган ВАЗИФАЛАР ТАҚСИМОТИ

УСК аъзолари	Сайлов куни бажарадиган асосий вазифалари
<p style="text-align: center;">Умумий риоя қилиниши лозим бўлган қоидалар.</p>	<p><i>Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш фақатгина овоз бериш биносида ўтказилади.</i></p> <p><i>Сайлов қутиларини соат 20:00 дан олдин очилиши ва овозларни санаб чиқишга йўл қўйилмайди.</i></p> <p><i>Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайлов қутиларида мавжуд бўлган сайлов бюллетенлари бўйича амалга оширилади.</i></p> <p><i>Участка сайлов комиссиялари томонидан овозларни санаб чиқиш, овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни тўлдириш жараёнида қуйидагилар ҳозир бўлишлари мумкин:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <i>кузатувчилар;</i> <i>сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари;</i> <i>оммавий ахборот воситалари вакиллари.</i> <p><i>Мазкур жараёнда участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишига рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.</i></p> <p><i>Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили, кузатувчилар участка сайлов комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини сўраб олишига ҳақли.</i></p>
<p style="text-align: center;">Раис</p>	<p>Соат 20:00 да овоз бериш тугаганлигини эълон қилади.</p> <p><i>Сайлов участкаси биносида ҳозир бўлган сайловчиларга овоз бериш учун имконият яратади (агар сайловчилар бор бўлса).</i></p> <p><i>Участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан овозларни санаб чиқиш жараёни қонунчиликда белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигида амалга оширилишини ташкил этади.</i></p> <p><i>1-ҳаракат: СЖБАТга масъул бўлган 5- ва 6- аъзога фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенларини санаб чиқиш бўйича топшириқ беради ҳамда назорат қилади.</i></p> <p><i>Котибга фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенлари сонини якуний баённомага киритилиши бўйича топшириқ беради.</i></p> <p><i>Барча даражадаги сайловлар бўйича ушбу ҳаракатларни кетма-кет амалга оширилишини ташкиллаштиради.</i></p>

2-ҳаракат: **Раис ўринбосарига** сайловчилар рўйхати (сайловчилар рўйхати иловаси) бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини аниқлаш бўйича топшириқ беради.

Раис ўринбосаридан олган маълумотларни:

аввал, сайловчилар рўйхати бўйича аниқланган сайловчилар сонини, *кейин* сайловчилар рўйхатининг иловасига киритилган сайловчилар сонини эълон қилади.

Котибга ушбу маълумотларни умумлаштирган ҳолда якуний баённомага киритиш бўйича топшириқ беради.

Барча даражадаги сайловлар бўйича ушбу ҳаракатларни кетма-кет амалга оширилишини ташиқллаштиради.

3-ҳаракат: **Сайловчиларга сайлов бюллетенларини беришга масъул бўлган 8, 9, 10, 11-аъзоларга** сайловчилар рўйхати (сайловчилар рўйхати иловаси, сайловчилар рўйхатидан кўчирма)нинг ҳар бир варағига сайлов бюллетени олганлиги тўғрисида имзо қўйган сайловчиларнинг имзолари саналиши ва шу варақнинг пастки ўнг томонига ушбу маълумотларни киритиш ва имзолаш бўйича топшириқ беради.

Сайловчиларга сайлов бюллетенларини беришга масъул бўлган 8, 9, 10, 11-аъзолар томонидан тақдим этилган маълумотларни:

биринчи навбатда, асосий сайловчилар рўйхатининг барча саҳифалари бўйича умумий маълумотларни эълон қилади;

иккинчи навбатда, сайловчилар рўйхати иловасининг саҳифалари бўйича умумий маълумотларни эълон қилади;

учинчи навбатда, сайловчилар рўйхати кўчирмасининг саҳифалари бўйича умумий маълумотларни эълон қилади;

тўртинчи навбатда, сайловчилар рўйхати (сайловчилар рўйхати иловаси, сайловчилар рўйхатидан кўчирма)нинг барча саҳифалари бўйича якуний маълумотларни умумлаштиради, сайловчилар рўйхатининг охириги варағига киритади ва эълон қилади. Сайловчилар рўйхатининг охириги варағига имзо қўяди ва участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқлайди.

Шундан сўнг, **котибга** ушбу маълумотларни якуний баённомага киритиш бўйича топшириқ беради.

Барча даражадаги сайловлар бўйича ушбу ҳаракатларни кетма-кет амалга оширилишини ташиқллаштиради.

4-ҳаракат: **Раис ўринбосарига** участка сайлов комиссиянинг сейфида сақланаётган муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертларни олиб келиш ва сайлов қутисига ташлаш бўйича топшириқ беради.

5-ҳаракат: **Раис ўринбосарига** сайлов қутиларидаги пломбаларнинг рақамларини пломбалаш далолатномаси билан солиштириш бўйича топшириқ беради.

6-ҳаракат: **Сайловчиларга сайлов бюллетенларини беришга масъул бўлган 8, 9, 10, 11-аъзоларга** овозларни санашни бошлаш учун столларни бирлаштириш, ушбу столлар устидаги барча ёзув ашёлари (ручка, қалам ва бошқа воситалар) ҳаммининг эътиборига ҳавола қилинган ҳолда четга олиб қўйиш бўйича топшириқ беради.

Сайлов қутисига сайлов бюллетенларини ташлаш жараёнини назорат қилишга масъул бўлган 7-аъзога ҳамда **сайловчиларга сайлов бюллетенларини беришга масъул бўлган 8, 9, 10, 11-аъзоларга:**

стационар ва кўчма сайлов қутиларини очиш ва бюллетенларни стол устига тўкиш бўйича топшириқ беради.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилаётганда:

7-ҳаракат: Қонунчилик палатасига (аввал бир мандатли, кейин ягона сайлов округи бўйича), тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенларини алоҳида-алоҳида ажратиб олиш, санаш ва тегишли сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар (сайлов кутиларидаги сайлов бюллетенлари) сонини аниқлаш бўйича топшириқ беради.

комиссия аъзолари тақдим этган маълумотлар бўйича сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар (сайлов кутиларидаги сайлов бюллетенлари) сонини аниқлайди ва **Котибга** ушбу маълумотларни якуний баённомага киритиш бўйича топшириқ беради.

8-ҳаракат: ҳар бир номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб берилган овозлар бўйича сайлов бюллетенларини ўқиб эшиттирган ва намоёиш этган ҳолда алоҳида-алоҳида боғламларга ажратиш бўйича топшириқ беради.

Барча даражадаги сайловлар бўйича ушбу ҳаракатларни кетма-кет амалга оширилишини таъкиллаштиради.

9-ҳаракат: ҳар бир номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқиш, ҳар бир номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб берилган овозлар сонини аниқлаш бўйича топшириқ беради.

комиссия аъзолари тақдим этган маълумотларни эълон қилади ва Котибга ушбу рақамларни якуний баённомага киритиш бўйича топшириқ беради.

10-ҳаракат: Ҳар бир номзодни ва сиёсий партияни ёқлаб берилган сайлов бюллетенларини алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўраш, агарда, ҳақиқий эмас деб топилган (агар шундай бюллетенлар мавжуд бўлса) сайлов бюллетенларини, санаб чиқиш, алоҳида боғлам қилиб ўраш, ҳар бир ўрам устига сонини, қайси сайловга оидлигини, сайлов округининг номини ҳамда тартиб рақамини ёзиш бўйича топшириқ беради.

ЗАРУР ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАНИДАН КЕЙИН КОМИССИЯ ЯКУНИЙ МАЖЛИС ЎТКАЗАДИ.

Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисида баённома тузишдан олдин ҳозир бўлганлар эътиборига овоз бериш кунда ва овозларни санаб чиқиш тугагунча комиссияга келиб тушган шикоятлар (аризалар) ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборот беради.

Тегишли баённомага илова қилинадиган далолатномалар ва бошқа ҳужжатларни кўрсатиб ўтади.

Комиссия фаолияти бўйича эътирозлар, шикоятлар бор-йўқлигини аниқлайди, зарурат бўлса, комиссия ушбу эътироз ёки шикоятларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан кейин сайлов участкасида **овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённома (иккита нусхада) тўлдирилади, баённома участка сайлов комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланади.**

Барча даражадаги сайловлар бўйича ушбу ҳаракатларни кетма-кет амалга оширилишини таъкиллаштиради.

Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасига бирон-бир тарзда ўзгартиришлар киритишига йўл қўйилмайди.

Агар участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасини тўлдириш вақтида комиссиянинг айрим аъзолари ҳозир бўлмасалар, бу ҳақда мажлис баённомасида уларнинг ҳозир бўлмаганликлари сабаблари кўрсатиб ўтилади.

Шундан сўнг участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида **овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасини ўқиб эшиттиради.**

Раис ўринбосари ва Котибга участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасининг кўчирма нусхасини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида ҳудудий сайлов комиссиясига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловида округ сайлов комиссиясига, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари сайловида эса тегишли туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этиш ҳамда баённоманинг кўчирма нусхасини ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига дарҳол осиб қўйиш бўйича топшириқ беради.

Тегишли сайлов комиссиясидан баённоманинг кўчирма нусхаси текширилишини ва улардан жавоб келишини кутади.

Ҳудудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари орқали олинган участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри ёки нотўғри тўлдирилганлигини текширади.

Участка сайлов комиссиясининг баённомасида акс эттирилган маълумотларда номувофиқликлар аниқланган тақдирда, ҳудудий, туман, шаҳар ёки округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясига ўз мажлисида ушбу номувофиқликларни бартараф этишини тушунтиради.

Агар баённомада номувофиқликлар аниқланган тақдирда, комиссия раиси комиссия мажлисини йиғади ва аниқланган номувофиқликларни қайта кўриб чиқиб бартараф қилади. Аввалги баённомани асослари кўрсатилган ҳолда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда янги қарор билан тузатилган баённома тасдиқланади.

Шундан сўнг участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида **овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасини ўқиб эшиттиради.**

Раис ўринбосари ва котибга ажратилган ҳолда тайёрлаб қўйилган “Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенлари”, “Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари” ҳамда ҳар бир номзод ва сиёсий партия бўйича алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўралган сайлов бюллетенларини ҳамда бошқа ҳужжатларни махсус копча жойлаштириш бўйича топшириқ беради.

Сайлов бюллетенлари солинган қоп тегишлича архивга топширилгунга қадар комиссия раисининг хонасида сақланади ҳамда ушбу хона (бино) ички ишлар ёки миллий гвардия ходимлари томонидан қўриқланади.

	<p>Раис ўринбосари ва котибга ҳамма танишиб чиқиши учун осиб қўйилган баённомани янгиси билан алмаштириш ва янгидан тўлдирилган баённоманинг кўчирма нусхасини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишинча ҳудудий, туман, шаҳар ёки округ сайлов комиссиясига тақдим этиш бўйича топшириқ беради.</p> <p><i>Тегишли сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри тўлдирилганлигини тасдиқлагандан сўнг, Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича якуний баённоманинг биринчи асл нусхасини ички ишлар органлари ходимлари кузатувида тегишли ҳудудий сайлов комиссиясига олиб бориб топширади.</i></p>
<p>Раис ўринбосари</p>	<p>Раис топшириғига асосан сайловчилар рўйхати (сайловчилар рўйхати иловаси) бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини аниқлайди, бунда бошқа сайлов участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритилганлар (яъни бошқа сайлов участкасида овоз берганларнинг) сонини умумий сайловчилар сонидан чиқаради ва ушбу маълумотларни раисга тақдим этади.</p> <p>Раис топшириғига асосан участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида комиссиянинг сейфида сақланаётган муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертларни олиб келади ва сайлов қутисига ҳамманинг эътиборига ҳавола қилинган ҳолда алоҳида-алоҳида ташлайди.</p> <p>Раис топшириғига асосан Стационар сайлов қутисидаги пломбаларнинг рақамларини овоз чиқариб, пломбалаш далолатномасидаги пломбаларнинг рақамлари билан солиштиради. Кўчма сайлов қутидаги пломбаларнинг рақамларини овоз чиқариб пломбалаш далолатномасидаги пломбаларнинг рақамлари билан солиштиради.</p> <p>Раис топшириғига асосан ажратилган ҳолда тайёрлаб қўйилган “Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенлари”, “Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари” ҳамда ҳар бир номзод ва сиёсий партия бўйича алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўралган сайлов бюллетенларини махсус қопга жойлаштиради.</p> <p>Сайлов бюллетенлари жойлаштирилгач, сайловчилар рўйхати ва овозларни санаб чиқиш бўйича баённоманинг иккинчи нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам қопга жойлаштирилади.</p> <p>Қопга сайлов участкасининг рақами ва ичидаги ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган маълумот ҳам солинади.</p> <p>Қопни пломбалайди ва қопни пломбаланганлиги ҳақида далолатнома тузади ҳамда вақтинча сақлаш учун комиссия раисининг хонасига жойлаштиради.</p> <p><i>Тегишли сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри тўлдирилганлигини тасдиқлагандан сўнг, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича якуний баённоманинг биринчи асл нусхасини ички ишлар органлари ходимлари кузатувида округ сайлов комиссиясига олиб бориб топширади.</i></p>
<p>Котиб</p>	<p>Раис эълон қилган қуйидаги маълумотларни якуний баённомага киритиб боради:</p> <p>Биринчи, Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сонини;</p> <p>Иккинчи, Сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини;</p> <p>Учинчи, Сайлов участкасидаги сайловчиларнинг умумий сонини;</p> <p>Тўртинчи, Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари сони (овоз беришда иштирок этган сайловчилар) сонини;</p>


